


INDEKS 1072



**EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMALI**

# **ILM SARHASHMALAR**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI



2021-23

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

# ILM SARCHASHMALARI

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish ta'sisi ta'lim nashridir.*

3.2021

научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2021

Хайдаров Анвар (БухДУ)  
ГРАФИК ВОСИТАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Аннотация.* Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида график-стилистик воситалар, уларда ифодаланган “қўшимча” маънолар ҳақида фикр юритилган. График воситаларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги айрим ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари иккала тилда яратилган бадий адабиётлардан олинган мисоллар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, график-стилистик воситаларнинг турли тиниш белгилари орқали ифодаланишига ҳам эътибор қаратилган.

*Аннотация.* В статье рассматриваются графические стилистические приёмы английского и узбекского языков. “дополнительные” значения, выраженные в них. Некоторые сходства и различия между графическими приёмами на английском и узбекском языках были проанализированы на основе примеров из литературы на обоих языках. Также обращено внимание на то, что графические стилистические приёмы представлены различными знаками препинания.

*Annotation.* This article discusses graphic stylistic devices in the English and Uzbek languages, the “additional” meanings expressed in them. Some similarities and differences between graphic devices in English and Uzbek have been analyzed on the basis of examples from literary works in both languages. Attention is also paid to the fact that graphic stylistic devices are represented by various punctuation marks.

*Калим сўзлар:* фоностистика, коннотация, график стилистика, фонография, курсив, бош ҳарфлар, кўп нуқта, бадий матн, пунктуация.

*Ключевые слова:* фоностистика, коннотация, график стилистика, фонография, курсив, заглавные буквы, многоточие, художественный текст, пунктуация.

*Key words:* phonostylistics, connotation, graphic stylistics, phonography, italics, capital letters, colon, literary text, punctuation.

График стилистика экспрессив воситаларнинг оғзаки нутқда интонация ва урғу орқали ифодаланган ҳиссиётларни ёзма шаклда ифодалашдан иборат. Бадий адабиётда графостилистик воситалардан фойдаланиш муаллиф стратегиясининг имкониятларини намоён этишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун муаллиф бадий асар матнларида ишлатиладиган турли фонографик усулларни кетма-кет қуриб чиқади. Инглиз адабиётида фонографик услубий воситалардан Л.Ф.Баум, Л.Кэрролл, А.А.Милн, Д.Гёрбер, Р.Дал ўзларининг классик асарларида кенг фойдаланганлар.

Рус тилшунослигида Л.И.Еремина тилда графостилистик воситалар кенг камровли эканлигини қайд қилиб, куйидагиларни ёзади: “Бадий нутқда сўзлардаги унли ва ундош ҳарфларни қоидага зид равишда турли шаклларда ёзиш, бир ўринда бир тиниш белгисининг бирдан ортиқ қўллаш, шунингдек, бошқа турли ишоравий белгилардан фойдаланиш муҳим услубий аҳамиятга эгадир”.<sup>1</sup>

Ўзбек тилшунослигида фонографик услубий воситалар тил тадқиқотчиси Г.Яхшиеванинг номзодлик диссертациясида батафсил ёритилган.<sup>2</sup>

Фонографик услубият, деб ёзади олина, талаффузнинг услубий имконият ва хусусиятларини ёзма нутқда акс эттириш, йўл ва усулларини, шунингдек, ёзма нутқнинг график (имловий) услубий имконият ва хусусиятларини диалектик бирликда ўрганувчи ва ўргатувчи умумий услубиятнинг бир бўлидир.<sup>3</sup>

Фонографик услубият ҳам ўзининг алоҳида олинган бирлигига эга эмас. У тил фонетик ва график воситаларининг эмоционал-экспрессив бўёғини беришга хизмат қилади.

График стилистикада матннинг типологик хусусиятларига, жумладан, пунктуацияга, шрифт, графемаларнинг ҳажми ва жойлашувига эътибор берилади. Ушбу масалада хорижий олимлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишган. Жумладан, Норгард типографик хусусиятлар адабиётдаги босма оғзаки нутқнинг визуал жиҳатларини маънавий потенциал имкониятларини кашф этишга ва ўрганишга ёрдам бериши ҳақида ўз фикрини билдирса, тилшунос Лич эса график услубий воситалар бутун ёзув тизимига тегишлидир: пунктуация, абзац ва бўш жой деб таърифлайди. Билол ва

<sup>1</sup> Еремина Л.И. Графика – как средство образительности в произведениях. Л.Н. Толстой. Сб. стат. Очерки по стилистике художественной речи. М., 1979, с. 77 – 113.

<sup>2</sup> Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фанлари номз. дисс., Т., 1997.

<sup>3</sup> Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Т., “Фан”, 1996.

Чималар эса график воситалар гапда тизим шаклланиши, тузлиши ва тиниш белгилари билан шу-гулланиши эътироф этишади.

График ўзгаришлар нафақат талаффузнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, балки урғу берилган сўзларни таъкидлаб, таъкиднинг интенсивлигини ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Соф график воситаларга матн бўлакларини абзац билан ёзиш, харфларни бош ва кичик ёзиш, турли катталикда ёзилган харфларни ишлатиш, айрим сўз ва матн бўлакларини курсив билан ёзиш, шеърятда мисраларини поғоналаб ёзиш, шеър каторларидан бирини тушириб қолдириш, унинг ўрнида катор нукталар қўйиш, матнда турли тиниш белгиларидан услубий мақсадда фойдаланиш киради.

Энди ушбу график воситаларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз. График стилистик воситалардан энг самаралиси сўзларни курсив билан ёзишдир. Кўпинча, эпиграф, прозаик асарлар, цитата, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар, бадий асарларнинг номи курсив билан ёзилади ва у ўша сўзларни алоҳида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Асарларда инглиз тили ёрдамчи сўзлари, ёрдамчи феъллар, олмошлар, кўпинча, курсив билан ёзилади.

Масалан:

–“Bella!”

–“Yes. Master John”.

–“Do let’s have tea, under the oak tree when they came; I know, they’d like it best.”

–“You mean *you’d* like it best”.

Little John considered.

–No, *they would*, to please me (J.Galsworthy. “Awakening”).

Кўмакчи феъллар **will** ва **would** доимий иш-харакатни ифодалашда ишлатилса, улар урғусиз ҳолда келади ва одатдагидай ёзилади. Аммо урғули ҳолатда ишлатилса, улар кинояни ифодалайди ҳамда курсив билан ёзилади. Масалан: ...his liver was a little constricted and his nerves rather on edge. His wife always out when she was in Town and his daughter *would* fliberty -gibbet all over the place (J.Galsworthy. “Awakening”).

Тасдиқни кучайтириш учун ҳам кўмакчи феъллар курсив билан ёзилади:

–Olwen (smiling at him affectionately):

You *are* a baby. Robert (I.B.Priestly. “Dangerous Corner”).

Юкорида таъкидланганидек, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам курсив билан ёзилади. Жумладан, куйидаги гапда француз тилидан кириб келган сўзлар курсив билан ёзилган:

–*Bonjour la compagnie* he said cheerfully. “I’ve brought you a present” (S.W.Maugham. Stories. “The Unconquered”, p. 45).

Сўзларни курсив билан ёзиш нафақат насрий асарларда, балки шеърый асарларда ҳам учрайди. Томас Стериз Элиотнинг “A Cooking Egg” шеърисида 30 ёшли қахрамоннинг ёшликка муносабати аччиқ киноя билан ифодаланган. Хона тасвири Оксфорднинг кўринишини эслатади.

Масалан:

Pipit sat upright in her chair.

Some distance from where I was sitting.

*Views of Oxford Colleges.*

Lay on the table with the knitting (T.S.Eliot. “The Cooking Egg”).

Ушбу соҳада фикр юритилганда, албатта, поэтизмларга ҳам эътибор қаратиш лозим. “Бадий нутқда айрим поэтизмларнинг ёзилиши турли график шаклларда ифодаланиши мумкин. Поэтизм бадий матнда ҳар қандай ном эмас, балки ижодкор бадий ниятини ёритишга хизмат қилган номдир.<sup>1</sup>

График воситалар, асосан, пунктуацияда ифодаланади. Пунктуация муаллиф ва сўзловчи орасидаги муносабатни ифодалашда ишлатилади ҳамда эмотив характерни кўрсатади. Пунктуация нутқнинг ритмик-мелодик жихатдан ёритади. Тиниш белгиларининг услубий хусусиятлари ҳақида айрим маълумотлар К.Назаров томонидан қайд қилинган. Жумладан, бир хил тиниш белгиларининг кетма-кет бир ўринда қўш қўлланиши гап мазмунига қўшимча янги мазмун юклашини кўрсатади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтизмларининг изохли луғати. Турон Замин зиё. Т., 2016, 46-бет.

<sup>2</sup> Назаров К. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. Т., “Фан”, 1974, 61-бет.

Сўрок ва ундов белгилари, асосан, гап охирида кўйилиб, муҳим услубий вазифа бажаради. Буни куйидаги мисолда яққол кўриш мумкин:

George: (savagely) That's good! Oh, yes! And what about you?

Ruth: (off her balance) What about me?

George: What are you doing here? All right, you've had your go at me. But what about yourself?

Ruth: Well?

George: Oh, don't be so innocent, Ruth. This house! This room! This hideous. God-awful room!

График воситаларни ифодалашда тиренинг ҳам аҳамияти катта, у эмоционал жихатдан паузани ифодалашда ишлатилади. Эмоционал пауза баъзан кўп нукта орқали ҳам ифодаланиши мумкин:

Масалан: You'd try. I know you'd try. Perhaps ...But he had no idea himself how that sentence was supported to finish (G.Green. The Heart of the Matter).

Бадий адабиётда аксарият ҳолларда кўп нукта ва тире бир-бирини ўрнини алмаштиради.

Obven: Martin didn't shoot himself...

Freda: Martin didn't –

Obven: Of course he didn't I shot him (I.B.Priestley. Dangerous Corner).

Тире ва кўп нукта гапдан энг муҳим сўзни ажратиб кўрсатишда ишлатилади ва у китобхон диққатини ўзига жалб қилади. Шунингдек, тире ва кўп нукта маънонинг тўлдиршига ҳам хизмат қилади.

Масалан: This is the Hour of Lead –Remembered if outlived.

As Freezing persons. recollect the Snow First – Chill then.

Stupor – then the letting go –

Шеърини мисраларни поғоналаб ёзиш паузали ҳолатни юзага келтиради, бунда поғоналаб ёзилган шеърини мисралар вергул билан ажратилади. Ўзбек шеърлятида хассос шоир Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси” шеъри шундай поғоналаб ёзилган мисралар билан бошланади. Бунда шоир ўз ғоясини теран англатиш. ўқувчининг кўз ўнгида маълум этилаётган образни тўлиқ гавдалантириш учун, кўпинча, интонация ва ритмик поғоналар танлайди.

Кўм-кўк,

кўм-кўк,

кўм-кўк

Кўклам кўёшидан кўкарган қирлар,

Пўлат яғринларни кўтарган ерлар

кўм-кўк!

Шу шеърнинг бошқа бир ўрнида эса интонацион бутунлик айрим характерга эга бўлади: Эй Фарғона, мушкул кунлар боласини тилида тишлаб,

ювиб.

тараб.

севиб.

ўпиб.

кучиб.

опичлаб.

Эй бахтларни балоғатга етказган она! (Х.Олимжон).

Кўринадики, шеър мисраларини поғоналаб ёзиш орқали шоир ўқувчининг юрагини ўз руҳига мослаштириб, мафтун этади.

График услубий воситалардан яна бири абзацдир.

– “Матнни ўқиш пайтида ҳар бир абзац узок пауза билан ажратилади. Ана шу ажратувчи пауза олдинги абзацдаги фикрга қандайдир яқин ясади ва янги абзацга ўтишга тайёрлайди. Ҳар бир абзац услубий-матний вазифа бажаради. Нимага урғу берилаётганликни, далилларни умумлаштиради ёки алоҳида гуруҳларга ажратишга ёрдам беради”. – деб ёзди Э.Киличев.<sup>1</sup>

Масалан:

– “Darling, what is it? Has he insulted you again?”

График услубий воситалардан яна бири сўзларни бош ҳарф билан ёзишдир.

<sup>1</sup> Киличев Э. Абзац ва унинг услубий хусусиятлари (устоз М.Мирзаев хотирасига). Муосир Бухоро филологияси. Бухоро, 1995, 49–51-бетлар.

Грамматик коидага мувофик, сўз бошида ва нуктадан кейин ҳарфлар бош ҳарфда ёзилади, аммо сўз ўртасида атайлаб бош ҳарфлар билан ёзиш стилистик бўёқдорлик ёки бирор сўзнинг таъсирчанлигини кўрсатиш учун атайлаб сўзлар бош ҳарф билан ёзилади.

Масалан: O Music! Sphere -descended maid.

Friend of Pleasure, Wisdom's aid! (W.Collins. The Passions).

If way to the Better there be it erects.

full look at the worst (Th.Hardy).

Бутун бошли сўзлар бош ҳарфда ёзилиши мумкин ва улар алоҳида эмоция ёки баланд товушда ўкилади.

Масалан: And there was dead silence.

Till at last came the whisper "I didn't kill Henry. NO, NO! Henry surely you cannot blame me. I loved you dearest (D.H.Laurence. "The Lovely Lady").

Ўзбек тилининг турли жанрларида ҳам ёзилган асарларда ҳам график услубий воситаларидан бири бўлган бош ҳарфлар билан ёзилган турли сўз ва иборалар учрайди. Улар, асосан, тасвирга китобхон диққатини тортиш, турли ҳис-ҳаяжонларни уйғотиш учун хизмат қилади.

Талантли шоир Омон Матчон "Табиатнинг қизил китобига", "Она деган сўз" каби шеърларида айрим сўзларни бош ҳарфлар билан ёзиб, графостилемалардан ўринли фойдаланган:

*Чизгим келди Майсанинг расмин,*

*Ёзиб қўйдим Баҳор деб аста,*

*Мен жо этдим, Она номига*

*Энди Она сўзи ёнига.*

*Дадил ёзиб қўяман: Дунё. (О.Матчон)*

Тиниш белгиларини тушириб қолдириш орқали ҳам график услубий воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Шеърини парчада нукталарни тушириб ёзиш уни форма билан ёзиш, уни ҳужжатларга яқинлаштириш, унга муҳим аҳамият бериш ҳамда тантанаворликни бахш этишда ҳам ишлатилади.

Масалан: Defence of the Islands.

Let these memorials of built stone – music's enduring instrument of many centuries of patient cultivation of the earth of English verse he joined with the memory of this defence of the islands.

Тиниш белгиларидан нуктани тушириб қолдириш орқали шеърини мисраларни турли фигуралар шаклида ҳам ёзиш мумкин. Эстлин Кемминнинг куйидаги шеърини ўқиб, куйидаги ёзилган:

I'm

asking

you dear to

what else could a

no but it doesn't

of course but you don't seem

to realize I can't make

it cleaner war just isn't what

we imagine but please for God's O

what the bell you it's true that was

me but that me isn't me

can't you see now no not

any Christ but you

must understand

why because

i am

dead.

Шундай қилиб, график ўзгаришлар нафақат талаффузнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, балки урғу берилган сўзларни таъкидлаш, таъкиднинг интенсивлигини ифодалаш учун ишлатилади. График воситалар сўзларни курсив билан ёзилиши, сўзларни бош ҳарфлар билан атайлаб ёзилиши, асосий эътибор қаратилган нутқ парчасини қўштирноққа олиб ёзилиши, кавсга олиш, вергул, сўрок белгиси ёки ундов белгисини қўйиш, чизиқча билан сўзларни ёзиш муҳим услубий вазифа бажаради.

Husenova Muhtaram Husniddin qizi. Boshlang'ich sinf ona tili darslarida izohli lug'atdan foydalanish metodlari.....	96
Ибатова Амира Шавкатовна. "Нон" лексемасини ўрганишнинг семантик ва концептуал жиҳатлари.....	99
Ochilova Laylo Temirovna, Rajabova Lobar Choriyevna. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning matematikadan mustaqil ishlarini tashkil qilish metodikasi.....	101
Мирсагатова Дилором Убайдуллаевна. Обучение студентов неязыковых специальностей переводу в сфере профессиональной коммуникации.....	103
Абдурахмонов Миршод Олимжон угли, Елбоева Мадина, Тилолов Даврон. Влияние обучения языкам в сообществе (CLT) на устный дискурс студентов.....	107
Шамуратова Гулистон Юлдашевна. Межкультурный подход в преподавании иностранных языков.....	111
Тажбенова Сауле Сарсенгалтеевна. Современные формы и проведение классных часов в начальной школе.....	114
Нагметова Нурсулу Муртабаевна. К вопросу о домашней работе в начальной школе.....	118
Баязитов Комил Фаритович. Актуальность разработки системного управления подготовкой тяжелоатлетов в многолетнем процессе спортивного совершенствования.....	121
Исраилова Махсуда Нигматуллаевна. Юлдашева Дилшода Юлдашевна, Сайфуллаева Лола Собитовна. Use of Educational Technologies in Language Teaching.....	124
Arslonbekova Rano. Critical Evaluation of the Lesson in a State University.....	126

#### ILMIY AXBOROT

Асадова Гавхар Тешабаевна. Объект синтактик элементлар семантикаси хакида.....	129
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич. Ҳозирги немис, рус ва ўзбек тилларидаги инглизча дипломатик неологизм-терминлар хакида.....	131
Хайдаров Анвар. График воситаларнинг услубий хусусиятлари.....	137
Эгамназаров Қобил Абдиназарович. Инглиз ва ўзбек тилларида олмошларнинг тарихий тараққиёти хакида.....	141
Ro'zimatova Dilnoza Murodovna. O'zbek tilidagi tibbiy terminlar semantikasi.....	144
Қиличев Байрамали. Топонимлар таркибидаги сонлар хакида.....	148
Қаюмова Мунаввар Санакуловна, Кодирова Дилрабо Шамсиддиновна, Собирова Фотима Азамат кизи. Кончилик терминологияси ва кончиликка оид терминларнинг деривацион хусусиятлари.....	151
Шакурова Наргиза Хамрақуловна. Mother лексемасининг этимологияси ва унинг дефиницион анализи.....	155
Абдуллаева Фотима Бахромовна. Техникавий терминлар. уларнинг ҳосил бўлиши ва ўзбек тилига таржимасига доир.....	157
Karimova Zuxra Ulugbekovna. Maqollar: g'arb va rus olimlari nigohida.....	160
Холисова Гавхарой Маннобжон кизи. Тижорий мулоқот тавсифи.....	162
Норбоев Ўқтам Сафарбоевич. "Асил ва Карам" дostonи бадиятида поэтик кўчимларнинг тутган ўрни.....	164
Allamberganova Muqaddas Ruslanovna. Qadimgi yozma yodgorliklarda ayol konsepti.....	168
Авазов Озод. Сарикамишбўйи зироаткор ахолисининг антик давр ёдгорликларида археологик изла-нишлар натижалари.....	170
Камолова Санобар Джабборовна. Прагматические свойства французских антропонимов.....	173
Муратова Дилором Махмудовна. Взгляд на туристическую лексику.....	175
Мадатов Хабибулла Ахмедович, Кутлиева Феруза Юсуповна. О наследии Аль-Хорезми – капля из океана.....	178
Юсупова Шоҳида Ботировна, Машарипова Фазилат Ахмедовна. Применение типа тестовых задач «задания с выбором одного наиболее правильного ответа».....	181
Xoliqova Dilnoza Musurmon qizi. The Notion of Borrowings and International Words.....	185
Shamuradova Naima Muxtarovna. Comparative Study of Ellipsis in English and Uzbek Languages.....	187

#### FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

Жизнь, посвященная науке о живой старине... (посвящается памяти академика Мамедага Ширалиева).....	190
--	-----